



№ 83/16-У

2020 yil "29" Сентябрь

Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туман халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактабларининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 29 август 01-22/1388-сонли хати билан маҳаллий Кенгашларга ўз ҳудудидаги эпидемиологик вазият ва шароитдан келиб чиқиб, мактаблар фаолиятини тиклаш юзасидан берилган тавсияларга асосида туман Кенгашининг ЎзЛиДеП, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" партияси, Ўзбекистон ХДП, Ўзбекистон "Адолат" СДП ва Ўзбекистон Экологик партиялари депутатлар партия гуруҳи томонидан ушбу масала жойига чиқиб ўрганилиб, билдирилган таклифларни инобатга олиб, тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёнларини пандемия шароитида босқичма-босқич бошлаш, таълим бериш жараёнларини тиббиёт ва санитария-эпидемиология талаблари асосида сифатли ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Қурбановнинг ҳамда Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)ларнинг Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан Учтепа туман халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактабларининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисидаги ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг депутатлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда Учтепа туманидаги 4, 62, 75, 78, 109, 116, 123, 129, 203, 228, 236, 238, 251, 295, 296,

297 ва 312-умумий ўрта таълим мактаблари ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Ҳорижий тилларга ихтисослаштирилган мактабда бошланғич (I-IV) синфларини анъанавий шаклда 2020 йил 30 сентябрь санасидан, 74, 197, 229, 245, 283, 287-умумий ўрта таълим мактаблари ва 199-сонли ёрдамчи мактабда бошланғич (I-IV) синфларини анъанавий шаклда 2020 йил 5 октябрь санасидан янги 2020/2021 ўқув йилини туман СЭОМ хулосасига кўра очилишига рухсат берилсин.

3. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Қурбановга:

- - мактаб очилишидан аввал санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ белгиланган тартибда мактаб ҳудуди ва барча хоналарни дезинфекцияловчи воситалар билан зарарсизлантириш ва контактсиз пирометр воситалари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек уларнинг захирасини шакллантириш чоралари кўрилсин;

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин;

- туманидаги умумий ўрта таълим мактабларини санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминлаш, дезинфекция ишларини ташкил этиш масаласи янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолати юзасидан навбатдаги сессияга маълумот киритсин;

4. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг депутатларига:

Ўз сайлов округида жойлашган ҳамда бириктирилган умумтаълим мактабларида ўқув жараёнларини карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда олиб борилиши юзасидан доимий депутатлик назорати ўрнатсин.

5. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши сессия раиси**



Ш. Касимов



№ 84/16 - II

20 20 yil " 29 " Сентябрь

Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти
шахсий таркиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги ПФ-5515-сонли Фармони ва “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, депутатлик корпуси иш фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги ПФ-5515-сонли Фармонининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида.

Тўйчиева Гулжамол Жўраевна – Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти бош мутахассиси лавозимидан етакчи мутахассиси лавозимига ярим (0.5) ставкага тайинлансин.

Худойбердиев Иномжон Улугбек ўғли – Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти ярим (0,5) ставка етакчи мутахассиси лавозимидан ярим (0,5) ставка бош мутахассиси лавозимига ўтказилсин.

Исаков Саидмуродкабир Саидисмоил ўғли – Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши котибияти бош мутахассиси лавозимига ярим (0.5) ставкага тайинлансин.

2. Учтепа тумани молия бўлими (А.Рустамов), Учтепа тумани бош ҳисобчиси (У.Муминов) белгиланган тартибда ойлик маошлари штатлар жадвалига асосан тўланишини таъминласин;

3. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси**



Ш.Қасимов



№ 85/16-11

20 20 yil "29" сентябрь

**Маҳалла фуқаролари йиғинлари ходимларининг жорий йилнинг
1-ярим йиллигидаги фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш
натижалари тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 485-сонли Қарори билан тасдиқланган “Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи 3.Азимбаеванинг Маҳалла фуқаролари йиғинлари ходимларининг жорий йилнинг 1-ярим йиллигидаги фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туманида жойлашган 60 маҳалла фуқаролари йиғинларидан рейтинг баҳолаш якуний натижаларига кўра 28 таси фаолияти “қониқарли”, 31 таси фаолияти “яхши” ва 1 таси (“Тақачи”) фаолияти “намунали” деб топилганлиги инобатга олинсин.

3. Фуқаролар йиғинларининг ҳар бирини фаолиятидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар уч ой муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилсин ва амалётга жорий этилсин.

4. Фуқаролар йиғинларининг ижобий иш таржибасини бошқа фуқаролар йиғинлари ўртасида оммалаштириш, бу борада ўқув семинарлари ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритиш тадбирларини ташкил этилсин.

5. Фаолияти “намунали” деб топилган “Тақачи” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар ҳар бирига моддий рағбатлантиришни маҳаллий бюджетнинг орттирилган

қисмидан маблағ ажратиш бўйича Туман молия бўлими (А.Рустамов) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужановлар чора кўрсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Учтепа туман
Кенгаши сессия раиси**



Ш.Қасимов